
МУНОСАБАТ

Фарғона тумани, Беруний МФЙ, Янги Бўстон кўчасидаги бир гурӯҳ фуқаролари ижтимоий тармоқлар орқали « Бизда ичимлик суви муаммо. Бир ҳафта олдин сув чиқиб турарди, энди ўша ҳам йўқ. Чунки насос куйибди. Сув идорасидан амалий ёрдам сўраймиз (<https://t.me/sizdantelegram/23395>)» сарлавҳаси остида мурожаат билан чиқишган эди. Мазкур танқидий мақола юзасидан Фарғона тумани ҳокимлиги томонидан ишчи гурӯҳ тузилиб, юқоридаги масала атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, мазкур МФЙда сув қудуғи насоси куйиб қолганлиги сабабли вақтинча аҳолига тоза ичимлик суви бир меъёрида етказиб беририлишининг имкони бўлмаган. Шу йилнинг 17 июнь кунидан эътиборан сув қудуғи насоси янгисига алмаштирилиб, худуддаги барча кўчалар, уйларга бир маромда сув етказиб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Фарғона тумани Ахборот хизмати.

2020-07-21 17:10:53